

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб юритилувчи "Уйчи Улгуржи Савдо" МЧЖ номидан иш кўрувчи А.Юлдашев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "ХАРИДОР" деб юритилувчи Уйчи туман мактабгача таълим бўлими номидан раҳбари Э.Тўрабоева иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озик-овкат маҳсулотларини (кейинги уринда маҳсулот деб аталади) шартноманинг 1- иловасига мувофиқ мактабгача таълим ташкилотлари кесимида етказиб бериш, "Харидор" эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	Етказиб бериш муддати
1	1-навли бугдой ун	кг	1 180,00 ✓	2 999,20	3 539 056,00	Январь
2	Ўсимлик ёғи	литр	323,00	14 999,45	4 844 822,35	Январь
3	Шакар	кг	1 060,00 ✓	8 999,90	9 539 894,00	Январь
4	Сариқёғ 82,5%ли	кг	640,00	43 999,00	28 159 360,00	Январь
5	Пишлоқ	кг	75,00	44 999,50	3 374 962,50	Январь
6	Мол гўшти	кг	1 034,00	60 000,00	62 040 000,00	Январь
7	Товуқ гўшти	кг	305,00 ✓	20 000,00	6 100 000,00	Январь
Жами:					117 598 094,85	✓

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 117 598 094,85 _____
бир юз ўн етти миллион беш юз туксон саккиз минг туксон сум 85 тийин
- 2.2. "Харидор" олинадиган маҳсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддатда маҳсулотларни "Харидор"га етказиб беради.
- 2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.
- 2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинадиган маҳсулотлари "Харидор"га транспортда ташишганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш; мазкур шартнома шартлари бажарилмагандлиги эки зарур даражада бажарилмагандлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узилкесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

"Харидор"га маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга эки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақдир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хом ашё маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган хом ашё маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган хом ашё маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита туманлараро иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақдир. VII. ФОРС-МАЖОР

7.1 Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимирлаш, сел келиш каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қушимча келишувлар шартларини бажариш маъсулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқланиб, туман газначилик бўлиниши томонидан рўйхатдан утказилгандан сўнг кучга кирилади ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР


9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

UG86332703

"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"	
"Уйчи Улгуржи Савдо" МЧЖ	
Манзили	Уйчи тумани Навоий МФЙ
Қирхона/Банки	ОАТБ Агробанк Уйчи филиал
Ҳисоб рақами	20208000900959827001
ОКОНХ:	81100
МФО:	00244
ИНН:	305953242
	
"Уйчи Улгуржи Савдо" МЧЖ раҳбари	
А.Юлдашев	

"ХАРИДОР"	
Уйчи туман мактабгача таълим бўлими	
Манзили	Уйчи туман Уйчи ШФЙ Шифокор МФЙ
Ҳисоб рақами	100022860142297091100251039
ОКОНХ:	85100
МФО:	00014
ИНН:	305150980
Газначилик	Ўз.Рес молия вазирилик газначилиги
х/р	23402000300100001010
Банк номи:	Марказий банк Доivent шаҳар бош бошқармаси ХККМ
МФО:	00014
ИНН:	201122919
	
Уйчи туман мактабгача таълим бўлими раҳбари	
Э.Тўрабоева	